ЗУККО ТИЛШУНОС, САМИМИЙ ИНСОН ЭДИ

Жонкуяр устоз, зукко тилшунос, самимий олим, тилимиз фидойиси, профессор Абдуҳамид Нурмоновнинг номи, шубҳасиз, “Ўзбек системавий тилшунослиги” атамаси билан ҳамоҳанг жаранглайди. Устоз мушарраф бўлган юксак эҳтиром заминида машаққатли меҳнат, серқирра илмий ижод ётади.

Ҳар қандай фаннинг иккита: дастлабки эмпирик (материаллар тўплаш) ва назарий билиш босқичлари мавжуд. Ўзбек тилшунослигининг тараққиётида XX аср охири – XXI аср бошлари муҳим давр, яъни эмпирик даврнинг тугалланиши, назарий билиш босқичига ўтиш даври экани билан характерланади. Бу даврда тилимизни тадқиқ этиш методологияси ва таҳлил усуллари турли таъсирлар натижасида тинимсиз ўзгариб борди. Ўзгаришларнинг замирида “шўролар тил сиёсати” муҳим ўрин тутган эди. Бундан ташқари, Ғарб ва Шарқ тилшунослигининг сезиларли таъсири мавжуд эди. Ушбу таъсирларнинг тазйиқи остида ўша даврда “етакчи тилшунос” деб танилган олимларнинг қарашларида бир ёқлама ёндашувлар кўзга ташланиб қолди. Хусусан, айримлар “ўзбек миллий тилшунослиги” анъанасига содиқлигини намоён қилиб, янги методологияни сингдира олмас, бошқалари ўзбек тилининг хусусий жиҳатларини ҳисобга олмай, янги методологияга ёпишиб олиб, фанимизнинг эмпирик босқичидаги қарашларни мутлақо инкор этиш йўлидан бордилар. Бизнингча, бундай хилма-хиллик нафақат тилшунослик фанида, балки бошқа фанларда ҳам мавжуд эди. Ана шундай жараёнда дастлабки даврда шаклланган ўзбек миллий тилшунослигига суянган ҳолда турли хил таъсирлар натижасида пайдо бўлган қарашларга танқидий баҳо бериш, янги кириб келган объектив тадқиқ усулларини қўллаш, ўзбек тилининг ўзига хос ички хусусиятларини янгича талқин этиш каби ўта муҳим муаммолар майдонга келди. Уларни объектив ўрганиш, холисона хулосалар чиқариш йўлида фидойи олим сифатида профессор Абдуҳамид Нурмоновнинг хизматлари беқиёсдир.

Тилнинг қуйи босқичи фонетика бўлса, юқори босқичи синтаксис ҳисобланади. Тилнинг ўрганилишида ушбу босқичларнинг мутаносиб тарзда қуйидан юқорига қараб (иерархик) бориш тамойили муҳим ҳисобланади. Ана шу тамойилни дастлаб сезган олим Абдуҳамид Нурмоновдир. Шўролар даврида яратилган дарсликлар тузилишидаги ушбу жиҳатга танқидий ёндашган ҳолда янги дарсликлар оиласини яратишни Абдуҳамид Нурмонов бажарди.

Устоз ўзининг 50 йиллик илмий-ижодий изланишлари давомида тилшуносликнинг деярли барча соҳалари бўйича ўз қарашларини баён этди. Ушбу қарашлар ҳозирги кунда ҳар қандай илмий тадқиқотга методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбек системавий тилшунослигининг шаклланиши ва ривожланиши даврида профессор Абдуҳамид Нурмонов анъанавий тилшунослик билан янги тилшунослик ўртасида “кўприк” вазифасини ўтовчи қарашларини баён этиб, системавий-структур тилшунослик, функционал, глоссематик ва дескриптив мактабларнинг ижобий томонларини умумлаштириб, ўзига хос лингвистик концепция яратди. Ушбу концепция устознинг «Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка», «Гап ҳақидаги синтактик назариялар», «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси», «Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси», «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. (Синтаксис)», «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. (Морфология)», «Тилшунослик ва табиий фанлар», «Ўзбек тилшунослиги тарихи», «Лингвистик белги назарияси», «Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари», «Тилшунослик назарияси», “Лингвосинергетикага кириш”, «Lingvistik tadqiqot metodologiyasi va metodlari» номли асарларида ўз ифодасини топди; мактабларнинг 5-9-синф ўқувчилари учун «Она тили», Қирғизистондаги ўзбек мактабларининг 5-7-9-10-11-синф ўқувчила-

ри учун «Ўзбек тили», академик лицейлар учун уч жилдлик «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарсликлари орқали таълим тизимига татбиқ этилди.

ХХ асрнинг бошлари ва ўрталарида тилшуносликда функционал лингвистика йўналиши кучайди. Натижада грамматика шаклни ўрганади, мазмунни мантиқ (логика) ўрганади, деган қараш пайдо бўлди. Ушбу қарашларнинг бир ёқлама эканлигини асословчи тадқиқотлар юзага келди. Ана шундай тадқиқот ишларининг пешқадами, шубҳасиз, профессор Абдуҳамид Нурмонов бўлди. Шакл ва мазмун диалектикаси йўналишида турли илмий тадқиқот ишларини олиб борди.

Устоз семасиологик талқин йўналишининг ўзига хос томонларини танқидий ўрганиб, унга ёндош бўлган ономасиологик талқин усулининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди ва прагматик лингвистика йўналишида ўз қарашларини баён этиб, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзига хос шартномавий муносабат асосида юзага келувчи ҳодисалар тадқиқини бошлаб берди.

Устоз тилшуносликнинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабатда ривожланишини илмий асослади. Тил унсурлари таҳлилида муайян қирраларини объектив очиб бериш учун тилшунослик табиий равишда бошқа фанга мурожаат этади, шундай ҳолатда тилшунослик билан мурожаат қилинган фан ўртасида ўзаро алоқадорлик жиҳатлари кузатилади. Натижада оралиқ йўналиш пайдо бўлади. Масалан, адабиётшунослик ва тилшунослик орасидаги “лингвопоэтика”, психология ва тилшунослик орасидаги “психолингвистика” йўналишлари каби. Шу сингари 30 дан ортиқ йўналишлар пайдо бўлишининг илмий асослаб берилишида ҳам устознинг хизматлари беқиёс.

А.Нурмонов кейинги йилларда амалий ёки татбиқий тилшуносликка алоҳида қизиқиш билан қарай бошлади. Ғарб тиллари, шунингдек, рус тили мисолида ҳам татбиқий тилшунослик борасида йирик тадқиқотлар олиб борилган. Тарихга назар ташласак, ҳатто системавий тилшунослик “отаси” Ф. де Соссюр ҳам тил системаси манзарасини индивид ўзича тиклаб боришини, ўша “ўзида ва ўзи учун” системада индивидуализм ўрнининг, яъни татбиқий лингвистиканинг жаҳонда барқ уриб ривожланаётган йўналиши – психолингвистиканинг системавий тилшуносликка қарама-қарши йўналиш эмаслигини тан олган. Унинг издошлари Э.Бенвенист, Р.Барт, Ж.Деррида, Ж.Лакан, М.Фуко ва бошқалар ижтимоий олам манзарасини яратувчи қурол – тил ҳақида фикр юритиб, татбиқий тилшуносликнинг назарий асослари пойдеворини қўйганлар.

Устоз умрининг сўнгги даврларида тилшуносликнинг ривожланиши маҳсули бўлган оралиқ йўналишларни муайян текшириш объекти билан боғлиқ ҳолда умумлаштириш зарурияти юзага келганлигини айтиб, “инсон-олам” муносабатдорлиги асосида инсон онги, психологияси, мулоқоти, нейронлари текшириш объекти бўлган йўналишларни “антрополингвистика” номи билан умумлаштириб, унинг ички бўлинишларини ўйлаб кўриш кераклигини уқтирган эди. Аммо ўзбек тилшунослигида бу борадаги қарашлар ҳали мубоҳаса кўринишида эди. А.Нурмоновнинг “Антрополингвистика” номи остида “Когнитив лингвистика”, “Социолингвистика”, “Психолингвистика”, “Нейролингвистика”, “Прагмалингвистика”, “Этнолингвистика”, “Лингвокультурология”, “Гендеролингвистика”, “Антропостилистика” каби йўналишларни умумлаштириш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги қарашлари ҳозирги давр билан ҳамоҳанг ва янги ўзбек тилшунослиги пойдеворини яратишда муҳим қадам ҳисобланади, деб ҳеч иккиланмай айтиш мумкин.

Умуман, устознинг илмий фаолиятига назар ташласак, унинг илмий лабораториясидан ўтмаган тилшуносликнинг бирор соҳаси қолмаганлигига яна бир карра амин бўламиз. Шуни таъкидлаш керакки, қайси соҳага қўл урмасин, устоз биринчилардан бўлиб холисона илмий-назарий қарашни ўртага ташлаган ва объектив хулоса берган.

Профессор Абдуҳамид Нурмонов зукко тилшунос ва самимий инсон сифатида шогирдлари ва тил илми шинавандалари қалбида умрбод ҳам илмий, ҳам маънавий из қолдирди ва устознинг ишлари, шубҳасиз, шогирдлари томонидан давом эттирилади.

Ш.Шаҳобиддинова, филология фанлари доктори, профессор
М.Саидхонов, филология фанлари номзоди, доцент
У.Раҳимов, филология фанлари номзоди, доцент